

2.4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

К.Р.РАХМОНОВ,
Ф.Х.ХИКМАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ДАРЁЛАРИ
МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИ ВА УЛАР
ХАВЗАЛАРИДАН ТУПРОҚ-
ГРУНТЛАР ЮВИЛИШИ
ЖАДАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 556.535.6+556.048
КБК 26.23(5У)
Ў 56

Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ окизиклари ва улар хавзаларидан туپрок-грунтлар ювилиши жадаллигини микдорий баҳолаш баҳолаш.-Т.: «INNOVATSION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAА UYI» – 2021, 148 бет.

ISBN 978-9943-7687-2-7

Монотрафия Ўзбекистон тоғ дарёлари муаллақ окизиклари ва улар хавзаларидан туپрок-грунтлар ювилиши жадаллигини микдорий баҳолаш масалаларига бағишланган. Унда Ўзбекистон тоғ дарёлари хавзалари табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари ва гидрометеорологик ўрналишланган муаллақ окизиклар хосил бўлиши нуктаи назардан тавсифланган, дарёлар муаллақ окизикларининг шаклланишига гидрометеорологик омилларнинг таъсири ҳамда дарёлар хавзалари юзасидан туپрок-грунтлар ювилиши жадаллиги микдорий баҳоланган. Шунингдек, монотрафияда дарёлар хавзаларидан ювилиш жадаллигининг баландлик бўйича ўзгариши конуниятлари аниқланган ва дарёлар хавзаларидан бўладиган туپрок-грунтлар ювилиши хариталари яратилган.

Ушбу монотрафия гидрологлар, гидрометеорологлар, географлар, гидротехниклар, туپроқшунослар ҳамда олий ўқув юртларининг гидрометеорология соҳаси мутахассислари, ўқитувчилари ва магистрантлари учун мўлжалланган.

УЎК: 556.535.6+556.048
КБК 26.23(5У)

Масъул муҳаррир:

Ғ.Х. Юнусов – география фанлари номзоди.

Тақризчилар:

Б.Е. Аденбаев – география фанлари доктори;

Ф. Гашиarov – техника фанлари доктори.

Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Илмий-техника Кенгашининг қарори билан чоп этилди (2021 йил
26 ноябрдаги I-сонли баённома)

ISBN 978-9943-7687-2-7

© «INNOVATSION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAА UYI» – 2021.

КИРИШ

Мальумки, Дунё микёсида кечётган глобал иқлим ўзгариши оқибатда қурғоқچил ҳудудлар майдони кенгайиб, туپрок эрозияси йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу борада халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қайд этилишича, «...аҳоли сони ўсиши билан бир вақтда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши салохиятининг камайиб бораётганлиги, сув эрозияси натижасида туپрок унумдорлигининг пасайиши ва агроиқлимий ресурслардан оқилна фойдаланмаслик, энг аввало, ҳудудларни кишлоқ хўжалиги тармоқларига тўғри ихтисослаштирмаслик оқибатда юзата келмоқда». Ушбу ҳолат дарёлар муаллақ окизикларининг хосил бўлиш механизмининг тадқиқ этилиши ва улар хавзалари юзalarидан туپрок-грунтлар ювилиши жадаллигини баҳолаш усулларини тақомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, сув эрозияси ва дарёлар муаллақ окизикларининг шаклланиши конуниятларини тадқиқ этишга, уларни баҳолаш усулларини тақомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, хозирги кунда, дунё микёсида дарёлар сув тўллаш майдонлари юзalarидан туپрок-грунтлар ювилиши жадаллигини баҳолаш усулларини тақомиллаштириш ва, шу асосда, ирригация тизимлари, гидротехника иншоотлари ва бошқа муҳандислик коммуникацияларини лойиҳалаш, уларни куриш ва самарали эксплуатация қилиш, келажакда тоғли ҳудудларнинг ер-сув ва сув-энергетика ресурсларини бошқичма-бошқич ўзлаштириш ва улардан оқилна фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Республикамизда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, мамлакатимиз ер ва сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, айниқса, кишлоқ дарёлар ва сойлар хавзаларининг ер, сув ва энергетика ресурслари салохиятини ҳисобга олган ҳолда, бир қанча сув омборларини куриш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш борасида сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш»¹ юзасидан муҳим вазифалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» тв. қарори